ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 1 август. Жума №61 (5.832). Сотувда эркин нархда

АСОСИЙ МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам йиғилиш иштирокчилари!

Биз йил бошида ислоҳотларнинг умумий стратегиясини ҳисобга олган ҳолда, ўз олдимизга муайян вазифалар қўйган, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократик асосда янгилашнинг устувор йўналишларини белгилаб олган эдик. Бунда биз 1997 йилга Ўзбекистоннинг сиёсат, иқтисодиёт ва маънавият соҳаларидаги ислоҳотлар йўлида олға ташлаётган қадамининг муҳим босқичи, деб қараган эдик.

Жамиятимизни тубдан қайта қуриш ва янгилашни амалга оширишда инсон омилига улкан аҳамият берилиб, **1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди.**

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш, зарур ҳуқуқий ва моддий асосни барпо этиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Улар иккита дастурий ҳужжатда ўз аксини топган. Биринчи ҳужжат -- инсон манфаатларини амалга оширишни таъминлаш бўйича 1997 йилга мўлжалланган тадбирлар дастуридир. Иккинчиси эса, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастуридан иборат.

Шунинг учун ҳам бугун янги вазифаларни белгилаб олиш ҳақида эмас, балки юқорида тилга олинган дастурларни бажариш ҳақида гап юритишимиз зарур. Олдимизда қандай объектив қийинчиликлар турибди? Дастурларда белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш учун нима қилинди ва қилиниши зарур? Бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларга қандай тузатишлар киритиш лозим?

Йилнинг олти ойи натижаларига баҳо берар эканмиз, тўла асос билан қайд қилишимиз мумкинки, жорий йилда олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалар асосан амалга оширилмоқда. Иқтисодиётимиз тузилмаси ва таркиби яхшиланмоқда. Унинг кўпгина соҳа ва йўналишлари жадал суръат билан ўсмоқда. Кўплаб шаҳар-қишлоқларимиз янгича гўзал қиёфага кирмоқда.

Энг муҳими, кишиларнинг тафаккури, уларнинг турмуш шароити ўзгариб бормоқда.

Азиз дўстлар!

Биринчи ярим йилликда қилинган ишларнинг асосий якунларига кенгроқ тўхталишга рухсат этгайсиз. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда қандай муайян натижаларга эришдик? Ишларга якун ясар эканмиз, бу якундан қандай хулосалар чиқаришимиз лозим?

Биринчи ва энг муҳим якун: биз инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имкон яратмасдан, бу манфаатларни фаол бунёдкор куч сифатида эътироф этмасдан туриб, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан тўғри ва изчил ҳаракат қилолмаслигимизни яна бир бор англаб олдик.

Шунинг учун ҳам инсон манфаатларини таъминлаш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар қай даражада тўла ва муваффақиятли бажарилаётгани алоҳида эътибор талаб қилади.

Шуни қайд этиш лозимки, бу борада анчагина ишлар қилинди.

Биринчидан. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, оилаларнинг, ҳар бир алоҳида кишининг турмуш шароити ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш учун давлат бюджетидан 63,2 миллиард сўм ёки бюджетнинг умумий харажатларидан қарийб 45 фоизи сарфланди.

Шунинг ҳисобидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, давлат томонидан бериладиган ёрдамга муҳтож оилаларга эътиборни кучайтириш имкони яратилди. Кам таъминланган оилаларнинг ўзигагина 10,1 миллиард сўмдан ортиқ нафақа берилди.

Тошкентда ногиронлар соғлиғини қайта тикловчи республика маркази ташкил этилди. Нукусда ҳам худди шундай марказни ташкил этиш бўйича ишлар ниҳоясига етмоқда.

Давлат уй-жойга ҳақ тўлашга кетган харажатларнинг бир қисмини, энг аввало, коммунал хизмат учун қисман ҳақ тўлашга кетган харажатни қоплаш борасида ҳам маълум даражада ёрдам кўрсатмоқда. Биринчи ярим йилликда бу мақсадлар учун 653 миллион сўм сарфланди.

Иккинчидан. Бюджет ташкилотлари ходимларига маошларини, пенсия ва нафақаларини ўз вақтида тўлаш таъминланмоқда. Бу ҳаётимиздаги одатий ҳол бўлиб қолди. Айни пайтда собиқ иттифоқнинг жуда кўп мамлакатларида бу нарса энг кескин ижтимоий муаммо бўлиб турибди.

Кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги айрим давлатларнинг оммавий ахборот воситалари кўп ойлар давомида иш ҳақи олмаган ўқитувчилар, врачлар, ҳарбий хизматчилар ва бюджет ташкилотларининг бошқа ходимларига маош, пенсионерларга нафақа беришни таъминлаш бўйича қилинаётган хатти-ҳаракатларни катта ютуқ сифатида тақдим этмоқда.

Бу коммунистик режим давридаги «эски анъаналар»ни эслатади: ўзимиз муаммо туғдирамиз-да, сўнгра уни ўзимиз қаҳрамонона ҳал этамиз.

Афсуски, ҳеч ким бу ҳол ўша мамлакатларда ислоҳотлар стратегияси ва биринчи навбатда уларни амалга ошириш йўлини танлашда йўл қўйилган хатолар натижаси эканини тан олмайди.

Биз бундан зарур сабоқ чиқариб олишимиз лозим. Энг аввало, ислоҳотларнинг мақсади ва амалга оширилишини янада чуқурроқ, танқидий назар билан таҳлил этиш даркор. Бу жараённи баҳолашда, ислоҳотларни амалга оширишнинг энг маъқул йўлларини қидиришда хато қилмаслик керак. Айрим муаммоларнинг ечими оғир, таназзул ҳолатига тушиб қолишини кутиб ўтирмаслик зарур.

Учинчидан. Ижтимоий соҳани, айниқса, қишлоқ жойларида ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу мақсадда 38,4 миллиард сўм капитал маблағ ёки умумий капитал маблағлар ҳажмининг 39 фоизи ўзлаштирилди.

3 миллион квадрат метрга яқин уй-жой, шундан 2,8 миллиони қишлоқ жойларида фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 1,5 баравар кўпдир.

Бир навбатда 4 минг беморга хизмат кўрсатувчи поликлиникалар, 13,6 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари қурилди. Ҳисобот даврида 2,1 минг янги маиший хизмат объекти очилиб, хизматнинг 18 та тури ўзлаштирилди. Аҳоли пунктларини газлаштириш ва сув билан таъминлаш дастурларига мувофиқ, 2,3 минг километр газ, 633 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бу 1996 йилнинг биринчи ярмидагига қараганда анча кўпдир.

Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида шаҳарлар, туман марказлари, қишлоқлар қиёфаси ўзгарди ва ободонлашди.

Тошкент шаҳрида қўлланган «Тошуйжойжамғармабанк» сертификатлари бўйича уй-жой қуриш тажрибаси яхши самара берди.

Қисқа вақт мобайнида 4 мингдан зиёд шаҳар аҳолисига банкда жамғарма ҳисоб-варақлари очилди. Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан уй-жой қийматининг 50 фоизини қоплаш йўли билан 500 га яқин шинам квартира қурилиб, сотилди.

Ҳозирги кунда 1,5 мингта яқин ана шундай квартира қурилиши давом этмоқда. Бу қурилишлар қийматининг етишмаётган қисмини қоплаш учун банк томонидан тўлов муддати 10 йилга узайтирилган ҳолда имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Уй-жой сотиб олишнинг бундай шаклига аҳоли катта қизиқиш билан қарамоқда. Буни инобатга олиб, мазкур тажрибани барча вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларга ёйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу мақсадда барча вилоят марказларида ўз ҳудудий бўлимларига эга бўлган Ўзбекистон уй-жой жамғарма банки ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида муайян ишларни амалга оширганлар. Хусусан, республика бўйича савдо шоҳобчаларини ишга тушириш вазифалари йиллик топшириққа нисбатан 58 фоиз, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бўйича 92 фоиз, уй-жой қуриш 44 фоиз, умумий овқатланиш бўйича 62 фоиз, телефонлаштириш бўйича қарийб юз фоиз ҳажмда адо этилган. Бу мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш устувор йўналиш эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, қишлоқларда 56 тиббиёт пункти, қарийб 12 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 2124 километр газ узатиш, 574 километр сув узатиш тармоқлари ишга туширилган. Лекин, афсуски, бу йил давомида бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг ўртача 20-30 фоизини ташкил этади, холос.

Республика макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари Б. Ҳужаев, соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси раиси О. Йўлдошев, «Ўзсувқурилиш» концерни раиси Р. Жуманазаров, «Ўзжамоаҳўжаликқурилиш» бирлашмаси раиси В. Камолов, Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Қобилов, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Ж. Шукуров, Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Каримов, Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. Янгибоев муҳокама этилган масала юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда тиббиёт пунктларини ташкил этиш, айниқса аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишларига жойларда асосий эътиборни қаратиш лозимлиги таъкидланди. Чунки бу соҳадаги бепарволик турли ички касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Кўп мактаблар қурилиши 80-90 фоиз бажарилган, холос. Янги ўқув йили бошлагунга қадар бу ишларни ниҳоясига етказиш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш зарур.

Масаланинг шу жиҳатига эътибор бериш лозимки, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар асосан давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланмоқда. Ана шу ажратилган маблағни ҳам ўзлаштира олмаётган айрим ҳокимлик ва қурилиш ташкилотлари фаолияти йиғилишда кескин танқид қилинди.

Мажлисда мутасадди раҳбарларга биринчи ярим йилликда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, қолган вақт мобайнида инсон манфаатларига хизмат қилувчи иншоотларни фойдаланишга топшириш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юкланди. Бу борада аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Республика Бош вазири ўринбосарлари А. Азизхўжаев, М. Усмонов, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, К. Раҳимов қатнашди.

(ЎзА).

Мамлакатимиз жўшқин ҳаёти

ЧАНОҚ ТАБАССУМИ

Андижонлик пахта усталарининг қувончи чексиз. Деҳқончилигимиз тарихида илк бор вилоят далаларида июль ойида пахта очилди.

Бу чигитни плёнка остига экиш самарасидир. Исбоскан туманидаги «Урганжи», «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликлари, «Пойтуғ» ширкатлар уюшмаси, Олтинкўл туманидаги Сайфиддин Ашуров, Балиқчи туманидаги «Чинобод», Хайрихон Эргашева номидаги, Асака туманининг Бобур, Ўзбекистон мустақиллиги, «Шарқ ҳақиқати», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари миришкорлари ана шу усулни омилкорлик билан қўллаб, июль ойи учинчи ўн кунлиги бошлариданоқ чаноқларнинг қийғос очилишига эришдилар. Ваҳоланки, илгарилари шу даврда эндигина «Ҳосил-тўплаш икки ойлиги» эълон қилинар эди.

Шу кунларда вилоятнинг барча пахтакор хўжаликларида ғўзани обитобида суғориш, қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш, чеканкани сифатли ўтказиш, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашни кучайтириш ишлари авж олдирилмоқда. Айни пайтда пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Сайидо Насафий номли жамоа-ширкат хўжалиги меҳнаткашлари шу кунларда Касби туманида ғўза парваришида пешқадамлик қилишмоқда. Хўжалик аҳли бу йил 1703 гектар пахта майдонидан 4700 тонна оқ олтин етиштириш учун ўзаро меҳнат баҳсини кундан кунга авж олдирмоқда. Айни кунларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш юқори агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда.

Суратларда: 1. Хўжалик раиси М. Рашидов, (чапдан ўнгга), механизатор Қ. Ражаббоев ва Р. Бердиевлар. 2. Ғўза қатор ораларига ишлов берилаётган пайт.

З. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ СОТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси шуни қайд этадики, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари, «Узбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси, «Узбекбирлашув», солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан назоратнинг сусайтирилганлиги натижасида жисмоний ва юридик шахслар озиқ-овқат маҳсулотларини мувофиқлик ва сифат сертификатлари булмаган ҳолда, белгиланмаган жойларда ва жиҳозланмаган савдо нуқталарида амалдаги санитария нормалари ва савдо қоидаларига риоя этмасдан сотиши фактлар ҳамон мавжуддир.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, савдо-сотиқнинг зарур санитария шартларига риоя этилишини таъминлаш, аҳоли соғлиғига зарар етказиш ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этишда тегишли тартиб ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 августидан бошлаб ун, қанд-шакар, ўсимлик ёғи ва сариёғ, қуруқ сут ва болалар овқатини чакана ва майда улгуржи тартибда сотиш, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, фақат тўғрисавдо корхоналари томонидан амалга оширилади ва бунда мувофиқлик ҳамда сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддати, нархномалар, товарларни сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитлари мавжудлигини, амалдаги қонун ҳужжатларига белгиланган бошқа талабларни кўзда тутувчи савдо қоидаларига риоя этилиши шарт.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш чоғида уларга республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг 1997 йил 23 апрелдаги 1318/1218-сон қарорининг савдо корхоналари ва ташкилотлари учун 20 фоизгача миқлорда рентабелликнинг энг юқори даражаси бўйича чеклашларни жорий этиш қисмидаги шартлари татбиқ этилади.

Мана шу шартларга риоя этилмаган тақдирда товар олиб қўйилади, унинг сотувчиларига нисбатан эса амалдаги қонунларга мувофиқ қатъий маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

3. Қарорнинг 1- ва 2-бандлари бажарилишини таъминлаш учун жавобгарлик Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари зиммасига юклансин.

4. Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 1-бандда кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари турғун савдо нуқталаридан ташқарида, шунингдек, амалдаги савдо қоидаларини бузиб сотилаётган ҳолларда ана шу маҳсулотлар савдосини тўхтатиб, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллансин, ҳатто маҳсулотларни олиб қўйиб, кейинчалик уларни қонунларда белгиланган тартибда мусодара қилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мусодара этилган озиқ-овқат маҳсулотлари тегишли суд органларининг қарорлари асосида 10 кун муддатда баҳоланиши ҳамда махсус дўконлар орқали сотишга юборилишини таъминласинлар.

6. Узбекистон Республикаси Аллия вазирлиги икки ҳафта муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов ва Давлат солиқ қўмитаси (В. Беганов) зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 июль.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ҒАМХЎРЛИК ЙЎЛИДА

31 июль куни мамлакатимизда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, уюшма, бирлашмалар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг шу соҳа билан шуғулланувчи ўринбосарлари иштирок этди. Йиғилишда «2000 йилгача бўлган даврда Узбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорида кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Журабеков бошқарди.

Мажлисда таъкидландики, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида муайян ишларни амалга оширганлар. Хусусан, республика бўйича савдо шоҳобчаларини ишга тушириш вазифалари йиллик топшириққа нисбатан 58 фоиз, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бўйича 92 фоиз, уй-жой қуриш 44 фоиз, умумий овқатланиш бўйича 62 фоиз, телефонлаштириш бўйича қарийб юз фоиз ҳажмда адо этилган. Бу мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш устувор йўналиш эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, қишлоқларда 56 тиббиёт пункти, қарийб 12 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 2124 километр газ узатиш, 574 километр сув узатиш тармоқлари ишга туширилган. Лекин, афсуски, бу йил давомида бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг ўртача 20-30 фоизини ташкил этади, холос.

Республика макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари Б. Ҳужаев, соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси раиси О. Йўлдошев, «Ўзсувқурилиш» концерни раиси Р. Жуманазаров, «Ўзжамоаҳўжаликқурилиш» бирлашмаси раиси В. Камолов, Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Қобилов, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Ж. Шукуров, Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Каримов, Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. Янгибоев муҳокама этилган масала юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда тиббиёт пунктларини ташкил этиш, айниқса аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишларига жойларда асосий эътиборни қаратиш лозимлиги таъкидланди. Чунки бу соҳадаги бепарволик турли ички касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Кўп мактаблар қурилиши 80-90 фоиз бажарилган, холос. Янги ўқув йили бошлагунга қадар бу ишларни ниҳоясига етказиш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш зарур.

Масаланинг шу жиҳатига эътибор бериш лозимки, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар асосан давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланмоқда. Ана шу ажратилган маблағни ҳам ўзлаштира олмаётган айрим ҳокимлик ва қурилиш ташкилотлари фаолияти йиғилишда кескин танқид қилинди.

Мажлисда мутасадди раҳбарларга биринчи ярим йилликда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, қолган вақт мобайнида инсон манфаатларига хизмат қилувчи иншоотларни фойдаланишга топшириш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юкланди. Бу борада аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Республика Бош вазири ўринбосарлари А. Азизхўжаев, М. Усмонов, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, К. Раҳимов қатнашди.

(ЎзА).

КЎСАКЛАР МАРЖОНИ

Тошлоқ ерда пахта етиштиришнинг ўзи бўлмайди. У ўта оғир меҳнат,пешона тери эвазига етиштирилади. Бундай жойда деҳқончиликнинг ўзига хос услуби, технологияси бор. Узоқ йиллардан бери «Янги ҳаёт» ширкатининг бригадасига етакчилик қилаётган миришкор Икромжон Сафаровни пахта илмининг билимдони дейишади.

— Бу йил кўзлаган режаларимиз юксак, — деди И. Сафаров. — Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллигини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш фарз. Ғўзага ишлов бериш ишлари қизғин. Ҳозирданоқ ҳар туп ғўзада 5-6 тадан кўсак бор.

Дарҳақиқат, бригадада олиб борилаётган ишларни кўриб кўзингиз қувонади. Ғўзалар бегона ўтлардан тозаланган. Тунги суғориш яхши йўлга қўйилди. Уста пахтакорлардан Нишоной Абдураҳмонова, Рисолат Раҳматиллаева, Мақсуда Аҳмадилиева, Маърифат Раҳимова, Шаҳодат Олимжоноваларнинг номларини жамоада ҳурмат билан тилга олишади. Шунингдек,моҳир тракторчи Маъмуржон Тошматовнинг далаларда мўл ҳосил тўпланишига камарбаста.

Бу йил буғдойдан ҳам мўл ҳосил олинди. Галладан бўшаган ерлар ҳайдалиб ижарачиларга бўлиб берилди.

Маърифат ҒАНИЕВА,
Бешариқ тумани.

АСОСИЙ МАҚСАД – ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўртинчидан. Республикада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари шакилланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташкил топди. Олий Мажлис қошида Амалдаги қонунлар мониторинги институти фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилаётир.

Ўзбекистонда ўтказилган инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг қонуний асосларига бағишланган илмий-амалий конференция ва «Ўзбекистонда Омбудсман институти: тажриба ва муаммолар» мавзуидаги «Давра суҳбати» халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотди.

Хорижий олимлар, мутахассислар, ҳуқуқ ҳимоячилари шу нарсага амин бўлдиларки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари нафақат конституцион жиҳатдан пухта ҳимоя қилинган, балки у давлат ҳокимияти ва қонуннинг бор қудрати билан ҳақиқий равишда кафолатланмоқда.

Кейинги вақтларда фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш борасидаги ишлар сезиларли даражада фаоллашди. Кўплаб олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курслар киритилди.

Юристлар малакасини ошириш маркази, шунингдек, Тошкент юридик институти қошида жойларда филиалларига эга бўлган Ҳуқуқий тарғибот маърифат маркази ташкил этилди.

Эндиги вазифа ана шу ташкил этилган марказлар ўзларига юклатилган вазифаларни тўла равишда амалга оширишларидан иборатдир.

Бешинчидан. Миллий анъаналар ва маънавиятни тиклаш, инсоннинг маданий-маънавий ва интеллектуал манфаатларини рўёбга чиқаришга катта аҳамият бермоқ лозим.

Июнь ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида қадимий шаҳарларимиз, гўзал Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналар халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент халқаро кинофестивали катта маданий воқеа сифатида кўп мамлакатлар киночиларининг эътиборига сазовор бўлди. Уларнинг кўпчилиги бу анжуманда қатнашди.

Миллий тасвирий ва амалий санъатни тиклаш ва янада ривожлантириш, кишиларнинг тасвирий санъат, халқ ижодиёти хазиналаридан баҳраманд бўлишига шароит яратиш мақсадида Бадиий академия ташкил этилди. Мамлакатимизнинг театр-маданий ҳаёти анча бой ва қизиқарли бўлиб қолди. Кўплаб театрларнинг репертуари тубдан янгиланди.

Етакчи театрлар саҳналарида мамлакатимиз тарихини ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи кўплаб спектакллар премьераси муваффақият билан ўтди. Халқ ижодиёти, миллий хореографияни қайта тиклашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Қисқача айтганда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича дастурда белгиланган тадбирлар, бу дастурнинг асосий қоидалари амалга оширилмоқда, деб хулоса қилишга ҳамма асослар бор.

Айни вақтда инсон манфаатлари йўлида белгиланган барча тадбирлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришимиз, бу борада қаерда оқсоқликка йўл қўйилаётган бўлса, уни зудлик билан бартараф этишимиз лозим.

Бу, аввало, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бўйича тузилган дастурларга тегишлидир. Йиллик дастурда белгиланган ўқувчи ўринларини ташкил этиш бўйича топшириқ атиги 18 фоизга, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш бўйича эса ўндан бирига бажарилган.

Касалхоналарнинг қурилиши ва техник жиҳатдан жиҳозланиши ҳам чўзилмоқда.

Қишлоқ жойларида сув узатиш тармоқларини қуриш масаласига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бу борада биринчи ярим йилликда бутун йилга мўлжалланган иш ҳажмининг атиги 30 фоизи бажарилган, холос.

Ижтимоий аҳамиятга молик иншоотларни топширишни йил охирига суриштдек ёмон иллат ҳамон давом этмоқда.

Дастурда Туямўйин-Урганч, Туямўйин-Нукус, Дамхўжа, Крестянск, Зарафшон-Жиззах, Амударё-Зарафшон худудлараро сув тармоқлари қурилишини тезлаштириш кўзда тутилган эди. Амалда эса, биринчи ярим йилликда Навоий-Бухоро сув узатиш тармоғининг бор-йўғи 10 километри фойдаланишга топширилган, холос.

Амударё-Зарафшон сув узатиш иншооти қурилиши учун ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш 1- ва 2-шохобчалар бўйича атиги 30 фоизни, 3-шохобча бўйича эса бор-йўғи 14 фоизни ташкил этган.

Вазирлар Маҳкамаси, шахсан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Юнусов, Муҳитдинов, Азизхўжаев ҳокимликлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда қисқа муддатларда ижтимоий масалаларнинг мазкур мажмуида юз берган вазиятни танқидий баҳолаб, дастурда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун аниқ чора-тадбирларни белгилашлари, мазкур топшириқ ижроси ҳақида бир ой ичида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беришлари зарур.

Муҳтарам дўстлар!

Иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошира борганимиз туфайли, биз инсон манфаатларини таъминлаш Дастурининг муҳим вазифаларини бажаришга эришдик.

Ярим йилликни якунлаб, қилинган ишларга баҳо берарканмиз, биз яна бир бор, танлаган йўлимиз тўғри, устувор мақсад ва вазифаларимиз аниқ, дейишга ҳақлимиз.

Хўш, уларни амалга ошириш борасида қандай муайян ишлар қилинди, биз кўзланган мақсад сари қай даражада олға силжидик?

БИРИНЧИ. **Бугунги кунда биз ўтган йили макроиқтисодий барқарорлик соҳасида эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлабгина қолмай, барқарор иқтисодий ўсиш учун шароит ҳам яратдик.** Бу нимада кўринади?

Биринчидан. Агар 1996 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини 1,6 фоизга таъминлаган бўлсак, бу ярим йилликнинг ўзида у 3,9 фоизга ошди. Ялпи ички маҳсулот биринчи марта аҳоли сони кўпайишидан тезроқ ўсди, бу эса унинг аҳоли жон бошига қараб ишлаб чиқарилишини кўпайтириш имконини берди.

Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсиш таъминланди: саноат ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги -- 22,8 фоизга, транспорт ва алоқа -- 1,8 фоизга, пудрат қурилиш ишлари -- 1 фоизга, чакана товар обороти -- 13,5 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 18,1 фоизга ошди.

Ютуқларимиз ҳақида гапирар эканмиз, мен, аввало, республикамизнинг ғаллакор деҳқонлари эришган муваффақиятларни алоҳида миннатдорлик билан қайд этишни истардим. Улар фидокорона меҳнати билан улкан хирмон кўтармоқдалар. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Иқтисодиётимизнинг 1997 йил биринчи ярмидаги ўсиш суръатлари ҳақида сўз борар экан, бир муҳим масалага алоҳида тўхталмоқчиман.

Бугунги кунда собиқ совет ҳудудидаги кўпгина давлатлар ўзларида кўзга ташланаётган барқарорлик ва ўсиш суръатларини катта мамнуният билан қайд этмоқдалар. Бироқ улар бу ўсиш қайси асосга таққосланиб олинаётгани тўғрисида гапиришни унчалик исташмайди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган йилларда ялпи ички маҳсулотнинг камайиш суръатлари энг кам бўлган, саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса 1990 йил даражасига нисбатан 1996 йилда ўсиш кўзга ташланган Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида яккаю ягона мамлакатдир.

1996 йилги асосий даража 1991 йилга нисбатан 40 фоиздан ошмайдиган, айрим мамлакатларда эса 25 фоиздан ҳам ошмайдиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳақида гап кетганида ўзгача аҳвол кўзга ташланади.

Кўриниб турибдики, ўтган йилги кескин тушиб кетган даражага нисбатан айрим жиндайгина ўсишни ҳам барқарорлик ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти деб баҳолаш мумкин экан.

Иккинчидан. Макроиқтисодий барқарорликни вужудга келтириш бўйича қўлланилган чора-тадбирлар инфляция даражасини 1996 йил декабридаги 13 фоиздан бу йил май ойида 2,9 фоизга, июнь ойида эса ҳатто минус даражасига-3,1 фоиз қадар кескин камайтириш имконини берди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси ярим йилликда айрим халқаро молия ташкилотларининг ҳисоб-китоблари бўйича 7 фоиз қутилгани ҳолда, 3,5 фоизни ташкил этди.

Бироқ, шуни тан олиш керакки, инфляциянинг ҳозирги даражаси биз ҳисоб-китобларимизда кўзда тутганимиздан кўра бироз баланд. Шунинг учун ҳам иккинчи ярим йилликда инфляцияга қарши қатъий монетар сиёсат олиб боришга тўғри келади.

Учинчидан. Биринчи ярим йилликда кредит ва нақд пул эмиссиясининг ўсишига йўл қўймаслик бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, амалга оширилди. Натижада нақд пул эмиссияси ҳажми биринчи ярим йилликда ҳисоб-китобларда кўзда тутилган 17,5 фоиз ўрнига 6,1 фоизни ташкил этди.

Иккинчи чоракда Тошкент шаҳрида, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятларида пулни муомаладан олиб қўйишга эришилди.

Шу билан бирга, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида эмиссия даражаси жуда баландлигича қолмоқда.

Пулни қайтариб оладиган асосий манба -- савдо соҳаси тўла хусусийлаштирилган. Лекин шунга қарамай, савдо фаолиятида ўзгариш жуда кам. Савдо ходимлари аввалгидай суньий равишда яратилган тақчиллик ҳисобига пул ишлаб олиш ниятида қолмоқда. Минг афсуски, уларнинг аксарияти майда тижоратчи, тўғрироғи, олибсотарлик савиясидан юқорига кўтарилолмаяпти.

Бугунги кунда савдо тармоғи бозор иқтисодиётининг тамойилларини ифодаловчи соҳа сифатида ҳали ўзини кўрсата олгани йўқ. У талаб ва эҳтиёжни ўрганиш ва авваламбор, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қизиқишнинг ошишини таъминлай олмаяпти.

Бу соҳа ўз фаолиятини истеъмол молларини импорт бўйича харид қилишга йўналтиришни афзал кўрмоқда. «Ўзбексавдо» тизимидаги савдо ташкилотлари ўзининг импорт озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишдаги устун монополистик мавқеидан фойдаланиб, эски тизимнинг тақсимлаш усулини яна тиклаш ҳаракатига тушмоқда. Бу ҳолат дефицит деган эски балони бошимизга олиб келиб, нарх-навонинг асоссиз ошиб кетишига имкон беради ва одамларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлади. Бундай аҳволга чидаб бўлмайди. Бу соҳага жавобгар ва бу соҳани қузатувчи мутасадди раҳбарлар жавобини берсин.

Давлат эҳтиёжларини қондириш учун озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни танлов, тендер асосида харид қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш, ўз маҳсулотини етказиб берадиганларга кенг йўл очиш, воситачи даллоллар сонини қисқартириш зарур. Аввало, харидорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган Монополияни тугатиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси қаёққа қараяпти, деган савол тугилади.

Бу ишга масъул бўлган Султонов, Усмонов икки ҳафталик муддатда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор лойиҳасини тайёрлашлари керак.

ИККИНЧИ. **Биз 1997 ва ундан кейинги йилларда иқтисодиётда туб таркибий янгиланишларни амалга оширишни стратегик устувор йўналиш сифатида белгилаб олганмиз.**

Биринчи ярим йилликда бу йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича анчагина ишлар қилинди. 100 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу ўтган йиллагига қараганда 15 фоиз кўпдир. Хорижий сармояларни ўзлаштириш сезиларли даражада ошди. Унинг умумий улуши 15,2 миллиард сўмни ташкил этади.

Барча сармояларнинг 61 фоиздан ортиқроғи ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга сарфланди. Биринчи ярим йилликда «Кўкдумалоқ» конига хизмат қиладиган компрессор станцияси ишга туширилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Республика телекоммуникацион тармоқлари модернизация қилинмоқда. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий саноат объектлари ташкил этилмоқда.

Тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал ва консерва саноатида бир қанча қўшма корхоналар қурилмоқда. Транспорт ва йўл қурилиши, аҳоли манзилгоҳларини ободонлаштириш соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ соҳа янгиланишлари дастурини амалга ошириш йўлида бир қанча жиддий муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Биринчидан. Моддий бойликларни ҳисобга олиш ёмон ташкил этилгани, кўпинча смета ҳужжатлари тасдиқланмасдан иш бошланиши, қурилишнинг қиймматлашиб бориш омилларини белгилашнинг аниқ усули йўқлиги туфайли капитал маблағларни ортиқча сарфлаш ҳоллари юз бермоқда. Биргина бюджет қурилишлари бўйича капитал маблағларнинг ажратилган лимитлари қарийб 4 миллиард сўмдан ортиқ сарфланган.

Иккинчидан. Республиканинг пудратчи қурилиш ташкилотлари бозор муносабатларига жуда секинлик билан мослашмоқда. Ортиқча сарф-харажатлар шу қадар кўпки, улар пудратчи ташкилотларимизни ҳатто ички бозорда ҳам рақобатга бардош беролмайдиган қилиб қўймоқда. Йирик объектлар қурилишига ажратилган кўпгина тендерларни хорижий компаниялар ютиб кетмоқда.

Натижада биз қурилиш қувватларимизни тўла ишга сололмаяпмиз. Ўзимизнинг қўлимиздан келадиган ишларга ҳам четдан келган қурувчиларга катта-катта валюта маблағларини ажратишга мажбур бўляпмиз.

Учинчидан. Инвестиция дастурини амалга оширишда банкларнинг иштироки жуда заиф. Банкларнинг кредит улуши ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан атиги 3,6 фоизни ташкил этди. Бу нафақат кичик ва ўрта корхоналарнинг, балки Қизилқум фосфорит комбинати, спирт заводлари ва республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа йирик объектларнинг ривожланишига ҳам тўсиқ бўлади.

Тўртинчидан. Бир қанча объектларда қувватларни ишга туширишда муддатларига риоя қилинмаяпти. Мисол учун, старли маблағ ажратилмагани туфайли Транс-Осиё-Европа тола-оптика алоқа линияси биринчи босқичининг қурилиши тугалланмаган. «Ўзбекқўғоз» акционерлик жамиятида целлюлоза ва қоғоз ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш чўзилмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Макроэкономика ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси билан биргаликда бир қанча объектлар қурилишининг қимматлашишига, капитал маблағларни ортиқча сарфлашга олиб келган сабабларни диққат билан ўрганиши керак. Ажратилган маблағлардан айни мақсад йўлида фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар киритиши зарур.

Иккинчи ярим йилликка мўлжалланган инвестицион дастурни молиявий таъминотнинг аниқ манбаларини ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштириши даркор.

УЧИНЧИ. **Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш даражасини бутунлай янги босқичга кўтариш ҳам 1997 йилнинг устувор вазифаси қилиб белгиланган.**

Шу мақсадда Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантирувчи республика кенгаши ташкил этилган. Хусусий ва кичик тадбиркорлик субъектлари, деҳқон (фермер) хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш жараёни ўта соддалаштирилган. Хусусий банклар барпо этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳақида Фармон қабул қилинган. Шу соҳага алоқадор кўпгина тармоқларга давлат томонидан, авваламбор, солиқ масаласида қулай имтиёзлар берилган.

Қабул қилинган қарорлар янги кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилишига ва хусусий тадбиркорлик ривожига кўмаклашди. Бу йилнинг ўзида қарийб 12 минг янги кичик бизнес корхонаси барпо этилди. Уларнинг умумий сони эса қарийб 111 мингга етди. Учта хусусий банк ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда, бир қанча банклар эса рўйхатдан ўтиш арафасида турибди.

Нодавлат секторда банд кишилар улуши 74 фоизни ташкил этади. Тадбиркорлик фаолиятидан тушаётган даромад улуши ҳам ошмоқда. Тадқиқотлардан олинган маълумотларга қараганда, ҳозир ишбилармонликдан тушган даромад улуши аҳолининг барча даромадларининг 36 фоизини, шахсий хўжаликдан тушган даромад 15 фоизини, якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан тушган даромад 7 фоиздан ортиқроқни ташкил этади.

Буларнинг барчаси кичик ва хусусий бизнеснинг мавқеи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Бироқ биз кичик ва ўрта корхоналар ҳали ўзларига муносиб ўринни эгалламаганини тан олишимиз керак. Уларнинг оёққа туриши ва самарали фаолият кўрсатишига халақит берадиган жуда кўп тўсиқлар бор. Жойларда амалдорлар, мутасадди фаоллар томонидан бу муҳим, эртанги кунимизни ҳал қилувчи масалага эътибор ва масъулият йўқ. Кўп жойларда бюрократик ёндашиш, зўравонлик ва таъмагирлик ҳолатларидан ҳали-бери ажралганимиз йўқ. Тадбиркорларнинг бу масалада қонунни яхши билмаслиги ҳам панд бермоқда.

Республикада ҳали бизнес мактаблар, бизнес-инкубаторлар, юридик ва консалтинг фирмалар тармоғи кенг ривожланмаган. Ҳолбуки, улар ишни энди бошлаётган тадбиркорларга ёрдам бериши, уларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши мумкин эди.

Кичик бизнесни ривожлантиришга турли халқаро молия ташкилотлари орқали 350 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий сармоя жалб этилган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш бўйича сармоя лойиҳаларини танлаб олувчи махсус ишчи комиссиялари тузилган эди. **Бироқ экспертизадан ўтиш ва кредит олиш жараёни жуда мураккаб ва узоқ вақт талаб қилади**. Орадан анчагина вақт ўтишига қарамай кўпчилик лойиҳалар ҳали ҳам ё танлаб олиш, ё комплекс экспертиза босқичида турибди.

Ҳукумат тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришга қаратилган маблағларни, энг аввало, хорижий маблағларни фаол жалб этишга тўсиқ бўлаётган сабабларни батафсил таҳлил этиб, тегишли механизмлар ишлаб чиқиши зарур.

Яна бир жуда муҳим муаммо. Йил бошида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури қабул қилинган эди.

Ҳисоботларга қараганда, бу дастур муваффақиятли бажарилмоқда. Бироқ, хусусийлаштириш жараёнида айнан нималар ўзгаряпти, деган савол туғилади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ўзгаришлар ҳеч ҳам эмас. Бошқарувнинг ўша эски маъмурий-буйруқбозлик усули ҳамон сақланиб қолмоқда. Иқтисодий усул ва рағбатлантиришлардан жуда заиф фойдаланилмоқда. Акционерлар бошқаруви тизими амалда ишламаяпти. Кўп ҳолларда уларнинг вазифасини корхоналар раҳбарлари ўзлаштириб олган.

Шунга қарамай, корхоналар ходимлари ва раҳбарларида эгалик ҳиссининг етишмаслиги бош муаммо бўлиб қолмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган қайта ишлаш тармоқларида бу масалалар қониқарсиз ҳал этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш масалалари яқин вақт ичида Вазирлар Маҳкамаси мажлисида алоҳида кўриб чиқилиши лозим. **Бу соҳада қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини танқидий нуқтаи назардан баҳолаш лозим бўлади. Бунда биринчи навбатда қишлоқда хусусийлаштириш, яъни жамоа шаклининг ўзгариши, пайчиликни жорий этиш, қишлоқ хўжалигида шартнома интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар масалаларига жиддий эътибор бермоқ зарур. Вилоят ва туман ҳокимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа масъул ижрочилардан бу ҳақда қатъий сўраш фурсати етди.**

ТЎРТИНЧИ. **Кредит-молия тизими фаолиятининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш ҳам 1997 йилнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган эди.**

Шунга мувофиқ, Солиқ кодекси, бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш ва солиқ тушумини кўпайтириш бўйича тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган ва қабул қилинган эди. Давлат солиқ ва давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун тайёрлаб қўйилди ва у Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессияларидан бирида кўриб чиқилади.

Ана шу кўрилган чора-тадбирлар бюджетнинг даромад қисмини 103,8 фоизга, харажат қисмини эса 98 фоизга бажариш имконини берди. Асосан қисқа муддатли давлат облигацияларини жойлаштириш ҳисобига бюджет камомадининг каттагина қисми қопланди.

Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, ўзаро ҳисоб-китоб механизмини жорий этиш бўйича тузилган республика ва ҳудудий комиссиялар фаолияти кучайгани боис, тўлов интизоми бирмунча мустаҳкамланди.

Лекин ўзаро ҳисоб-китоблар муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бу бир қанча ҳолатлар билан боғлиқдир.

Биринчидан. Бюджетга тўловлар бўйича тушум камомади юқорилигича қолмоқда. Вазият солиқ хизмати фаолиятининг мазмунини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Солиқларни яшириб қолганлик учун жазо муқаррарлиги тамойили қаерда қолди? Солиқ тўлаши шарт бўлганларнинг барчаси устидан назорат ўрнатилганми? Солиққа тортиладиган базанинг тўлиқ эканига кафолат борми?

Биз кўпинча майда солиқ тўловчилар ортидан қувамиз. Чунки бу ерда таъмагирлик қилиш имкони бор. Айни вақтда йирик солиқ тўловчиларнинг даромадни яшириши, солиқларни тўлиқ тўламаслиги каби иллатлардан кўз юмамиз.

Иккинчидан. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари масаласи ҳам ўткир муаммо бўлиб турибди. Шу йилнинг 1 июнигача бўлган дебиторлик қарзлари 129,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 33,9 миллиарди тўлов муддати ўтиб кетган қарзлардир. Кредиторлик қарзлари 169,8 миллиард, шундан муддати ўтиб кетгани -- 49,5 миллиард сўмдир.

Дебиторлик қарзларининг катта қисми Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзсаноатқурилишматериаллари», «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» ҳиссасига тўғри келади.

Учинчидан. Корхоналар ва уларнинг раҳбарлари ўз айланма маблағларини сақлаш ва кўпайтириш масалалари билан жиддий шуғулланмаяпти. Ўзаро тўловлар амалга ошмаётганининг асосий сабаби айнан мана шундадир.

Йилнинг бошида етишмаётган айланма маблағлар ҳажми 68,6 миллиард сўмни ташкил этган эди. Шунинг бир қисмини тўлдириш мақсадида, биз бу йил 31,4 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратишга мажбур бўлдик.

Айни вақтда кўплаб корхоналарда тайёр маҳсулот қолдиғи нормативларига риоя қилинмаяпти. Тугалланмаган ишлаб чиқариш, ҳаддан зиёд ишлаб чиқариш заҳиралари тўплаш, ўзига хос бўлмаган ишларни бажариш кўплаб маблағларнинг бошқа ёққа оқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Дебиторлик қарзларини ундириб олишда масъулият ҳис этилмаяпти, қатъият кўрсатилмаяпти.

Тўртинчидан. Махсус тузилган ҳукумат комиссиялари, Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита, Хўжалик суди банкротга юз тутган корхоналарга нисбатан қатъиятсизлик қилмоқда.

Банкротга учраган корхоналарни тугатиш борасида қаттиққўллик билан иш олиб бориш лозим. Корхоналарни иқтисодий соғломлаштириш ва санациялаш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг аниқ жадвалини тузиш лозим.

БЕШИНЧИ. **Биз республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга жуда катта аҳамият бермоқдамиз.** Экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика кенгаши тузилган, ҳорижга маҳсулот экспорт қилиш билан шуғулланадиган корхоналар учун имтиёзлар тизими ишлаб чиқилган.

Шу йилнинг биринчи ярмида жами ташқи савдо обороти 13,8 фоизга кўпайганига қарамай, экспорт базасини кенгайтириш борасидаги ишларни қониқарли деб эътироф этишга асос йўқ.

Ярим йиллик экспорт ҳажми йиллик режанинг атиги 37 фоизини, шу жумладан, марказлаштирилмаган манбалар бўйича бор-йўғи 28,5 фоизини ташкил этди.

Мана шундай ҳолда ускуналар ва материалларни импорт қилиш, ташқи валюта кредитларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Улар қайси валюта маблағлари ҳисобидан тўланиши ҳақида эса ҳеч ким бош қотирмаяпти. «Ўзкимёсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзнефтгаз», «Ўзметкомбинат» корхоналари маҳсулотни экспорт қилиш бўйича белгиланган топшириқларни бажармаяпти. «Ўзбекбирлашув», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзқишлоқхўжаликмаҳсулотлари» ва бошқаларда экспорт бўйича топшириқни бажариш юзасидан ишлар деярли йўлга қўйилмаган. Бунинг ўрнига айнан шу идоралар хомашё, материал ва жиҳозларни кўплаб импорт қилмоқда.

Импорт тузилмасида 47 фоиздан ортиқ маблағ машина ва жиҳозларни, 14,5 фоиз маблағ кимё маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ишланган маҳсулотларни харид қилишга сарфланмоқда.

Текширишлар шуни кўрсатдики, шу йилнинг 1 июлига қадар 6,9 миллиард сўмлик ускуна ўрнатилмаган. Шундан 6,2 миллиард сўмлиги хорижлан келтирилган жиҳозлардир.

Ўрнатилмаган ускуналарни инвентаризациядан ўтказиш, валюта маблағларини совуришга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш лозим.

Экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш республика кенгаши (Ў.Султонов) икки ҳафта муддат ичида йил охиригача экспорт бўйича келтириладиган маҳсулотлар ва импорт харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш бўйича таклиф киритиши зарур. Бу борадаги етишмовчиликка барҳам бериш керак.

Яна бир масала борки, у алоҳида таҳлили тақозо этади. Биз хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналар тузиш ва уларни ривожлантиришга нечоғли аҳамият бераётганимиз яхши маълум. Биз ҳар бир корхона хорижий ҳамкорлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши тарафдоримиз. Улар учун энг қулай шарт-шароит яратилган. Кенг имтиёзлар тизими жорий этилган, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш таъминланмоқда. Бу ишларнинг барчаси қўшма корхоналар рақобатбардошли бўлиши, жаҳон бозорига бевосита чиқа олиши, ўз маҳсулотини фаол равишда экспорт қила олиши учун амалга оширилмоқда.

Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: қўшма корхоналар нима беряпти, **уларнинг улуши қандай? Бундай корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми ярим йилликда 4,3 марта ортганига қарамай, уларнинг маҳсулот экспорт қилишдаги ҳиссаси атиги 6,9 фоизни ташкил этган, холос. Айни вақтда уларнинг импорт таркибидаги улуши қарийб 38 фоизга етган.**

Бошқача айтганда, уларнинг импорт бўйича олган маҳсулот ҳажми экспорт қилганидан анча ортиқдир. Бу борадаги фарқ ярим йилликда 747,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу экспортни рағбатлантириш республика кенгаши чуқур ўрганиб чиқиши лозим бўлган гоят жиддий масаладир.

Биз бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур. Экспортни кенгайтиришни рағбатлантирадиган таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш керак. Экспортга маҳсулот тайёрлаш дастурини бажариш борасидаги масъулиятни ошириш лозим. Экспорт салоҳиятини кучайтириш дастурини тайёрлаш ишларини тезроқ тугаллаш зарур.

Бугунги кунда божхона ишларининг такомиллашмагани сабабли, контрабанда товарлари кириб келишидан, божхона тўловлари кам тушаётганидан республика сезиларли даражада зарар кўрмоқда.

Божхона кодекси, Божхона тарифлари тўғрисидаги қонунни тайёрлаш ишларини жадаллаштириш зарур. Яқинда ташкил этилган Давлат божхона қўмитаси божхона сиёсатини амалга ошириш, божхона қонунчилигига риоя этишни назорат қилиш борасидаги ишларни кучайтириши керак.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, ярим йиллик якунлари ва кўзда тутилган дастурларнинг бажарилишини танқидий баҳолар эканмиз, бунга ўнлаб сабаблар топишимиз, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича ишимиздаги камчилик ва алоҳида вазифаларнинг бажарилмаганлигини шу билан изоҳлашимиз мумкин.

Бу сабабларни бизнинг хоҳиш-иродамиз, масъулиятимиз ва интизомимиздан, бир сўз билан айтганда, имконият ва интилишларимиздан ташқари, объектив сабаблар деб кўрсатишимиз ҳам мумкин.

Лекин ҳамма нарса бизнинг тадбиркорлик, ташкилотчилик ва фаоллигимизга, малакамизга, билим ва қобилиятимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Кўплаб корхона ва тузилмаларимизда, биринчи навбатда бошқарувнинг юқори поғоналарида ишлаётганлар бозор иқтисодиётининг энг муҳим жиҳатлари -- менежмент ва маркетинг тўғрисида ҳамон тасаввурга эга бўлмаса нима қилиш керак?

Ислоҳотлар иқтисодиётнинг кўплаб бўғинлари, айниқса, ўрта ва қуйи бўғинларида юзаки амалга оширилаётган, шахсий мулк ва акциялаштириш йўлига кўплаб тўрачилик тўсиқлари қўйилаётган бўлса нима қилишимиз керак? Коррупция ва порахўрлик иллати ҳақида нима деса бўлади?

Ва, ниҳоят, энг муҳими -- кўплаб ўрта ва қуйи бўғин раҳбарларининг фикрлаш тафаккури жуда секинлик билан ўзгараётгани, улар онгига ишбилармонлик, бозор муносабатларига хос ёндашувлар қийинчилик билан кириб бораётгани сир эмас.

Боқимандалик кайфияти, эскича ишлаш истаги сақланиб қолаётган бўлса ёки улар юқоридан қаттиқ талаб қилингандагина иш моҳиятини эмас, балки фақат шаклини ўзгартираётган бўлса нима қилиш керак?

Аниқ айтишимиз мумкинки, деярли барча қийинчиликлар, муаммоларнинг сабаби ана шунда. Ислоҳотларнинг жойларда жадал кетмаётгани, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўла бажарилмаётганига ҳам сабаб шу.

Мана шунинг учун ҳам тараққиёт ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кадрлар билан ишлаш ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади. Илгаригидаги сингари кадрларни шунчаки танлаб, жой-жойига қўйиш билан иш битмайди. **Аввало, одамларни, биринчи галда барча даражадаги бошқарув ва ишлаб чиқариш раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш керак.**

Умуман, мамлакатда иқтисодий соҳадаги ижобий ўзгаришлар ва ислоҳотларни амалга ошириш учун етарли даражада мустаҳкам қонуний асос мавжуд. Етарли даражада меъёрий асос ҳам яратилган. Улар кейинги пайтда мавжуд шарт-шароит, халқаро тажриба, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки, шунингдек, бошқа халқаро тузилмаларнинг талаблари асосида қайта кўриб чиқилди ҳамда аниқликлар киритилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатда шакилланган ҳуқуқий асос ҳозир амалда татбиқ қилина бошланди.

Шу билан бирга, катта ҳисоб билан олиб қараганда, ижрочилар муаммоси энг заиф муаммо бўлиб қолмоқда. **Иқтисодиётдаги аҳволни танқидий таҳлил этар эканмиз, талай соҳалар, хусусан, кичик бизнес билан боғлиқ барча муаммолар юксак малакали, касб сир-асрорларини пухта ўзлаштирган ташкилотчилар, раҳбарлар йўқлиги туфайли пайдо бўлаётганига қайта-қайта амин бўламиз.**

Бугунги кундаги бу масалада амалий тажрибамизга бир кўз ташлайлик. Иш кетмадими, дарров раҳб

Мустақилликнинг олти йиллиги — улуғ байрамимиз

КАТТА ТАРАДДУД

Диёримиз мустабидлик занжиридан халос бўлиб мустақил Ўзбекистон Республикаси деб эълон қилинганлигига олти йил тўлмоқда. Шу қисқа муддат ичида мамлакатимиз ривожланишининг ойдин йўлига чиқиб олди. Ирмоқлар тўташиб дарё бўлур, дарёлардан уммон.

— Кўпгина вилоятларнинг иқтисоди бақувватлашиб, барча соҳалар жадал ривожланяпти. Улардан кам жойимиз йўқ, — дейди Жиззах вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев. — Вилоятда иқтисодий имконият катта. Фақат енг шимариб, фидойилик билан меҳнат қилган муродига эришади.

Дарҳақиқат, утган ярим йиллик якунига назар солинса, вилоят иқтисоди ўнгланиш сари юз тутаётгани аён булади. Саноат корхоналарида қарийб 31 миллион сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу утган йилгита нисбатан 19,5 фоиз кўп. Бунда кичик корхоналар, хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг улуши катта.

Жиззах вилоятида ислоҳотларнинг бориши қандай?

Истеъмол бозорини керакли маҳсулотлар билан тўлдириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бугунги кунининг бош талаби. Чет эл инвестициялари ҳисобига қўшма корхоналар ташкил этилаётганлиги вилоят иқтисоди ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Яқинда шундай корхоналардан учтаси — Фориш туманида йилига 72 тонна жунни қайта ишлайдиган корхона, Жиззах шаҳрида гилам тўқийдиган «Ўзбекистон-Туркия» ва пластмаса заводи қошида Хитой билан ҳамкорликда полимер қоп тикиб чиқарувчи корхоналар ишга туширилди. Биргина полимер қоп тўқувчи корхона тула қувват билан ишласа йилига қарийб 375-378 миллион сумлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилади. Ҳозир бу маҳсулотга талаб катта. Энг муҳими бу ерда қўплаб йигит-қизлар иш билан таъминланди. Бундай қўшма корхоналар 25 та. Лекин шундан тўққизтасигина фаолият кўрсатмоқда. Қолганларида низом жамгармаларини шакллантириш ва хом ашё билан таъминлаш устида иш олиб бориляпти.

Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш тадбирлари изчил амалга оширияпти. Йирик корхоналар ҳам мулкчилик шаклини ўзгартирмоқда. Ярим йил ичида акциядорлик жамиятларининг сони 223 тага етди ва режадаги 54,1 миллион сумлик ўрнига 89,1 миллион сумлик акциялар сотилди.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш доимий эътиборда. Жиззах шаҳридаги олтита маҳалла марказида кўркам гузарлар барпо қилинди. Яна тўққизта гузар байрам арафасида битказилади. Бозорлар қайта таъмирланиб, кенгайтирилди. 25 километрлик масофадаги йўллар таъмирланиб, кунгурадор девор билан ўраб чиқилди. Марказий «Жиззах» стадиони жаҳон андозаларига мослаб қайта таъмирланди. Минг ўринли теннис корти фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 700 квадрат метрли «Бешқувур» савдо маркази, 16 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Буларнинг ҳаммаси шу йилнинг ярим йили мобайнида амалга оширилган. Истиқлол туйи арафасида катта «Осиё» бозорининг биринчи ярми ишга туширилади. У 80 гектарга яқин майдонда қад ростлаётир.



● Андижон усулининг фидойиси, тажрибали пахтакор Абдумажид Эргашев.

Қишлоқ ҳўжалигида ҳам кескин бурилиш палласи келди. Кукламда 1418 гектар ерга Андижон усули қўлланилиб плёнка остига барака уруғи қадалди. Айни пайтда ғўзалар ривожи соз.

Ғалла ўрим-йиғими ниҳоясига етказилаяпти. Шу кунгача вилоят бўйича 84 минг тонна буғдой янчиб олиниб давлат омборларига тошширилди. Ўримда 594 та комбайн икки сменада ишлаб турибди. Барча ўроқчиларга зарур шароит яратилган.

Вилоятда бир неча йилдан бери ғалла ва пахта тайёрлаш режасининг бажарилмаётганлигининг асосий сабабларидан бири ўругликка яхши эътибор берилмаганлигидир. Бу йил Андижондан сифатли ғалла уруғи олинади. Ҳозир дастлабки тонналар кела бошлади. У август ойининг йигирма бешидан бошлаб замин бағрига сепилади. Ҳозир дастлабки етти минг гектар майдон шудгорланиб, экишга тахт қилинган.

Мева-сабзавот ва картошка тайёрлаш ишлари ҳам қизғин бормоқда. Шу кунга қадар аҳоли дастурхонига 1866 тонна сабзавот, 590 тонна картошка ва 460 тонна мева етказиб берилди. Мустақиллик байрами арафасида жиззахлик миришкорлар пойтахтликлар дастурхонига қўплаб полиз, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тортиқ этишади. Жойларда ярмаркалар иш бошлайди.

Зарбдор туманига йўл олдик. «Тараққиёт» ширкатлар бирлашмасига айни туш пайти етиб келдик.

Идорада ҳеч ким йўқ. Ҳамма далада. Уюшма раиси ва бош ҳосилотни дала шийпонида учратдик. 10-12 чоғли кишилар ниманидир муҳокама қилишаётган экан.

— Ҳозир ғўзалар меҳрга ташна пайти, — уқтиради уюшма раиси Абдумажид Эргашев. — Озгина масъулиятсизликка йўл қўйилса, ҳосил бой берилади. Оби-ҳаётни қониб ичган ниҳоллар гулини тўкиб юбормайди. Қўсаклар бўлиқ булади. Тола сифати юқори бўлиб, ҳосил биринчи навга сотилади. Пахтасининг сифати паст булган ижарачи Раҳмонали Исломов даласига бордик. Ғўзаларда бўлиқ қўсаклар шодаси.

Дала бошига культиватор келиб тўхтади. Кабинадан ёшгина йигитча сакраб тушди.

— Филойи механизатор Бўрибой Пардаев, — таништирди уни раис. — Майдонлар тўртинчи ишловдан чиқарилди. Фақат сув танқис бўлиб турибди. Борига барака. Ғалла режасини бажардик. Иншоолоҳ, пахта режасини ҳам уддалаймиз.

Саратон офтоби борлиқ барвақт ўриб-янчиб одик. Давлатга 1400 тонна ўрнига 1600 тонна дон тошширилди. Энди бутун куч — пахтага. Худо хоҳласа, 15 августдан теримга киришамиз. Жорий йилда икки минг гектар ерга чигит қададик. Шундан 225 гектари плёнка остига экилди. Теримга бир ой олдин киришамиз. Янги усулнинг сирини яхшилаб уқиб олдик. Иншоолоҳ, келгуси йил минг гектар ерда қўлламоқчимиз.

Тажрибали бригадирлардан Товбой Усанов, Даврон Фармонов, Ҳазрат Суюнов, Караматилла Турғунбоевлар етакчилик қилишаётган бригада аъзолари мустқиллик байрамигача ҳосилни йиғиштириб олиш ниятида. Муҳими жамоа аъзолари тетик, кайфиятлари чоғ.

— Деҳқоннинг аниқ иш соати, дам олиш куни бўлмайди, — фикр билдирди вилоятда биринчи бўлиб ғалла тошириш режасини бажарган Мирзачўл туманидаги Абай номли ширкатлар бирлашмаси раиси Холиқберди Бердибеков. — Меҳнатнинг самарасини кўрган кунинг дам олганинг. Жорий йил омадли келди. Режадаги 2700 тонна ўрнига 3200 тонна сарадон янчиб давлат омборига тўкдик. 31 та деҳқон (фермер) ҳўжалиги бор. Улар асосан ғалла ва пахта етиштиришади. Звенолар оилавий пудрат аосида меҳнат қилишаяпти.

35 гектар ерга плёнка остига чигит қадаган ижарачи Раҳмонали Исломов даласига бордик. Ғўзаларда бўлиқ қўсаклар шодаси.

Дала бошига культиватор келиб тўхтади. Кабинадан ёшгина йигитча сакраб тушди.

— Филойи механизатор Бўрибой Пардаев, — таништирди уни раис. — Майдонлар тўртинчи ишловдан чиқарилди. Фақат сув танқис бўлиб турибди. Борига барака. Ғалла режасини бажардик. Иншоолоҳ, пахта режасини ҳам уддалаймиз.

Саратон офтоби борлиқни аёвсиз қиздириб, бободеҳқон меҳри ила парваришланаётган экинлар ҳосилини пишираётган ушбу ганимат дамларда барчада ягона ният — эл насибасини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш. Далаларда иш жадал. Ғайратли ўроқчилар, филойи механизаторлар, ҳосилни хирмонга, хирмондан элеваторга пешма-пеш ташиб турган машина ҳайдовчилари, қўйингки, бугунги юксалаётган ғалла хирмонида барчанинг ўз улуши бор.

Жиззах марказий элеваторида эса тегирмончиларнинг қули-қўлига тегмайди.

— Ғалла етиштириш ҳажми йиллдан-йилга ўсиб бораётганлиги бирлашмамиз зиммасига катта масъулият юклади, — деди дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмаси раиси Т. Нуралиев. — Ҳозир корхона тўла қувват билан ишламоқда.

Иш икки сменада ташкил этилган. Тунда ишловчиларга бепул овқат бериляпти. Меҳнатчиларнинг дам олишлари учун шароит яратилган. Тегирмондан чиқаётган сара ун турли ҳажмдаги халтачаларга қадоқланиб, сотувга чиқарилмоқда. Бирлашма қошида иккита йирик нон заводи, хорижий технология асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехлар ҳаракатда. Моҳир новвойлар аҳоли дастурхонига мазали нон етказиб бераяпти. Хонадонларга қутбарака, файз кирмоқда.

Ҳа, жиззахликлар жонажон Ватанимизнинг улуғ байрамини меҳнатда муносиб совғалар билан қутиб олиш тараддудида. Қурилишда, саноат ва қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар қулами кегайиб бораётир.

Вилоятда қишлоқ аҳлини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар қўпайяпти. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлай олмаётган, харидор талабига мос маҳсулот бермаётган корхоналар фаолияти тўхтатилиб, ўрнини бозор шароитига мос, маҳсулоти харидоргир корхоналар эгалламоқда. Ислоҳот талаби шундай...

— Шу кунларга етказганига шукр, — дейди «Ёшлик» маҳалла ғузарида яшовчи пири бадавлат 84 ёшли Мунаввар ота Турсунов. — Алҳамдулиллоҳ, юртимиз тинч. Бозорларимиз тукин. Дастурхонда нонимиз сероб. Ҳар бир маҳалладан карнай-сурнай, ноғора садоси эшитилиб турибди. Юрт устида турганларнинг отасига раҳмат. Барча қулайликларга эга бўлган кўркам ғузарни қисқа вақтда қуриб беришди. Ун нафар ночор оиланинг никоҳ туйи ва 12 та етим боланинг суннат тўйларини ҳокимлик ўз зиммасига олиб шу ерда ўтказди. Ўнта масжид қургандан кўра бир ғарибнинг кунглини олмоқлик савоблироқ.

● Хўжалик бош ҳосилоти Эркабой Суюнов ва 2-ширкат бошлиги Мухтор Қўшмонов ғўзалар ривожидан мамнун.

Вилоят ҳокими қарори билан биринчи июлдан бошлаб нафақахўрларга 500 сумдан қўшимча пенсия пули бериладиган бўлди. Санаторий, дам олиш уйлари, шифохоналарга бепул йўлланмалар тарқатиляпти. Яқинда 200 нуроний Бухорои шарифни зиерат қилиб қайтди.

— Байрам шодиёналарига тайёргарлик ишлари қизғин, — шаҳар ҳокими Сарвар Худоёровнинг хулосаси шундай. — Тантаналар ўтказиладиган майдонлар ва истироҳат боғлари обод қилинмоқда. Илғари байрамлар, халқ сайли стадионда ўтказилар эди. Энди барча маҳалла ғузарларида, очиқ майдонларда катта-кичик саҳналар ўрнатилади. Савдо дуконлари ва умумий овқатланиш корхоналари меҳнаткашлар хизматида булади. Ҳўжаликларда етиштирилган полиз, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари байрам дастурхонини безайди. Ҳар бир маҳалла ғузарларида ош дамланиб элга тарқатилади.

Кўрик-конкурсда ғолиб чиққан ҳаваскор дасталар шодиёнага файз киритишади. Турли спорт ўйинлари ва мусобақалар ўтказилади. Дорбозлар, полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Ҳа, ҳамма жойда катта тараддуд. Зеро, улуғ байрамимиз яқин.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.

● Ўзбекистон — Хитой «Тасвир» қўшма корхонаси моҳир тикувчиси Дилбар Қосимова.



● Жиззах марказидаги меҳмонхона.

Муаллиф олган суратлар.

ФАН-ТЕХНИКА МАРКАЗИ

Навоийда вилоят ҳокимлигининг қарори билан фан ва техника маркази ташкил этилди. «Қизилқумноёбметаллолтин» концерни унинг таъсисчиларидан бири бўлди. Республика фан ва техника давлат қўмитаси марказ фаолиятига бевосита раҳбарлик қилди.

Янги илмий масканни ташкил этишдан мақсад минтақада илмий-техникавий тараққиётни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, бу борада тегишли дастурларни тузиш ва уларни амалга ошириш юзасидан танловлар эълон қилишдан иборат. Бу ишлар билан Навоий давлат кончилик институти олимлари яқиндан шуғулланади. Марказ қошида патент хизмати идораси ҳам фаолият кўрсата бошлади. Айни вақтда фан-техника соҳасида пуллик хизмат кўрсатиш, унинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича кичик корхоналар ташкил этилмоқда.

Ё. УМАРОВ,
ЎзА мухбири.

Матбуот сўзининг таъсири

БИР ТАНҚИДГА ИККИ ЖАВОБ

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг шу йил 13 май сонида «Нафс балоси иймонни, чўнтак дарди виждонни кемирар» сарлавҳали фельетон босилган эди. Унда таъмагир, порахўр Ислом Тўхлиев кирдикорлари рўй-рост очиб ташланганди.

Куни кеча таҳририят ушбу фельетонга Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳар ҳокимликларидан жавоб хатлари олди. Уларда шундай дейилади:

Вилоят ҳокимлиги газетанинг 1997 йил 13 май сонида босилган «Нафс балоси иймонни, чўнтак дарди виждонни кемирар» сарлавҳали фельетонда кўтарилган масалалар, унда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун кўрилган чора-тадбирлар ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, молия, банклар ва бошқа иқтисодиётга даҳлдор ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда ҳозирги шароитда ҳўжалик юритиш, банк-пул-кредит муаммолари, бу соҳада қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоялаш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарлари ҳуқуқ-тартибот органлари, иқтисодиёт муассасалари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида ўтган йиғилишларда ҳам ушбу фельетонда келтирилган нуқсонларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари ҳақида келишиб олинди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси фельетонда келтирилган факт ва мисолларни ўрганиб чиқиш учун алоҳида гуруҳ ташкил этди. Гуруҳ аъзолари халқ таълими муассасаларида бўлишиб, уларда техника воситаларининг инвентаризация қилиниши, сақланиши, ҳужжатларнинг юритилиши каби масалаларни ўрганиб чиқдилар. Газета фельетонида кўрсатилган камчиликларни келтириб чиқарган сабаблар аниқланиб, уларни тугатиш чора-тадбирлари белгиланди. Жумладан, фельетонда кўрсатиб ўтилган Қўқон шаҳар халқ таълими булими гаражи мудир Ислом Тўқлиев содир этган жиноят халқ таълими бўлими жамоаси ўртасида атрофлича муҳокама этилди ва суд ҳукми маъқулланди.

Фельетонда эслатиб ўтилган шаҳардаги бошқа ташкилот ва муассасаларда ҳам шундай муҳокамалар бўлиб, жиноятни содир этган шахсларга нисбатан адолатли жазо чоралари қўлланилгани таъкидланиб, келгусида бундай нуқсонларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари
А. ОТАБОЕВ.

***

Рўзномангизнинг 1997 йил 13 май сонида «Нафс балоси иймонни, чўнтак дарди виждонни кемирар» сарлавҳали фельетонида қаламга олинган камчиликлар юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Мазкур фельетон Қўқон шаҳар ҳокимлигида ҳар ой мунтазам ўтадиган маҳаллалар оқсоқоллари йиғилишларида кўриб чиқилди.

Маҳаллаларда, турар жойларда фуқароларни фирибгар, алдовчи, ўзгалар ишончига кириб мол-мулки ва моддий неъматларидан манфаатдор бўлишга интилувчилар тузоғига илинмаслик чоралари кўрилди.

Ҳақиқатан ҳам шаҳарда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда баъзи маҳалла оқсоқоллари томонидан суистеъмолликларга йўқ қўйилган. Айбдорлар қилмишларига яраша жазоландилар. Бу факт юзасидан маҳалла оқсоқоллари ўртасида аниқланган ва йўл қўйилган хато ва камчиликларни қайтармаслик юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилди ва борилмоқда. Шунингдек, шаҳар халқ таълими бўлимида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, фельетон атрофлича муҳокама қилинди. Барча транспорт воситалари махсус йўқламадан ўтказилган. Болалар боғчаларига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатувчи омборхона фаолияти тўхтатилиб, у давлат таъминоти корхонасига ўтказилди.

Шаҳар халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳокимлик ишчи гуруҳи тузилиб, мунтазам йиғилиш ўтказиб борилмоқда. Утган 6 ой мобайнида «Қўқон ёгмой», «Қўқонгўшт», «Қўқоннон», «Улуғбек», Механика» заводларида дебиторлик қарзлари бирмунча камайди.

Фуқаро Абдураҳим Исмоилов турмуш ўртоғи Ҳафиза Исмоилова номига ноқонуний хусусийлаштириб олган квартираси шаҳар ҳокимининг қарори билан бекор қилиниб, мазкур хонадон шаҳар уй-жой хизмати бирлашмасида қайта рўйхатга олинди. Фирибгар А. Исмоиловга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, у 4,5 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Ушбу мақола «Миллий банк»нинг Қўқон булими, шаҳар солиқлар нозирлиги ва божхоналарида ҳам атрофлича муҳокама этилиб, фуқароларга берилаётган кредитлардан қонуний равишда фойдаланиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, олинган фойдадан даромад солиқларини ундириб бориш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Қўқон шаҳар ҳокими ўринбосари
Р. МАҲМУДОВ

Хушхабарлар

ШОЛИ ЧИҚИТИДАН КРАХМАЛ

Хоразм вилоятидаги «Хонқагуруч» жамоа корхонаси гуруч кукунидан крахмал ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу ердаги крахмал цехига ускуналар Жанубий Кореядан олиб келтирилди. Натижада йилига икки минг тонна гуруч чиқитини крахмалга айлантириш имкони туғилди. Яқин келажакда Хонқа крахмали нафақат Хоразм, балки республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам етказиб берилади.

БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛДИ

Ҳўжаобод туманидаги Мадиряров номидаги агрофирмасининг 870 гектар боғи бор. Боғбонлар бу йил 5000 тонна мева, 2500 тонна узум ва 3000 тонна сабзавот етиштиришмоқчи.

Айни чоғда маҳаллий консерва заводига кунига 50 тоннадан кўп мева келиб тушмоқда. Йигирмата оила пудрат асосида ишлайдиган жамоалар сабзавот топшириш буйича шартнома мажбуриятини бажардилар. Бунда айниқса Неъматжон Ҳолматов бригадаси пешқадамлик қилмоқда. Муслима ва Нилуфар Турсунқуловалар каби опа-сингил пудратчилар ҳосил йўқотишларига йўл қўймаётганликлари ҳисобига бу йил қўшимча 30 минг сум ишлаб олиш ниятида. Айни кунларда улар кунига 800 килограммдан олма териб олишмоқда.

КОРХОНАНИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

«Самволтайр-сервис» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ўтган йил апрель ойида иш бошлаган эди. Унинг маҳсулотлари харидоргир. Шу йилнинг ўтган ойларида 200 минг АҚШ долларига миқдоридаги шиналар жойларга жўнатилди.

Ҳозирги кунда фирма буюртмалари сафи ошяпти. Яқинда енгил машиналар учун шиналарнинг катта буюртмаси Тошкент вилоятидан тушди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҒАРМСЕЛ ЧОРАСИ

Ёзнинг жазирама кунларида Тўдакўл сув омбори сатҳидан кўп миқдорда сув буғланади. Шундай пайтларда экинни бир кун чанқатиб қўйиш ҳосилнинг бир қисмини йўқотиш билан баробар. Буни Бухоро вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходимлари яхши билгани учун улар гармсел синовларига олдиндан тайёргарлик кўришди.

Беподён далаларда

Экинларни суғориш бошланмасидан олдин энг муҳим сув хўжалиги иншоотларида уларга хизмат қилувчи ва таъмирловчи ходимларнинг кечаю кундуз навбатчилиги ташкил этилиб, транспорт ажратилди, иссиқ овқат тайёрлаш йўлга қўйилди. Мутахассислар ишларнинг аҳволини мунтазам назорат қилиб туришибди.

Экинларни суғориш учун сув омборларида зарур миқдорда сув тўпланган, лекин вилоятдаги насос станциялари анча зўриқиб ишлаяпти. Қоровулбозор насос станцияси ходимлари катта қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу ерда станция ишга тушганидан буён иш юришмаяпти. Ҳали бу агрегатда, ҳали бошқасида камчилик чиқмоқда. Таъмирловчиларнинг қўли қўлига тегмаяпти. Ҳолбуки, Қоровулбозор вилоятдаги энг жазирама туман ҳисобланади. Бу ердаги далаларда етиштирилаётган экинлар учун ҳар дақиқада камида 20 куб метр сув талаб қилинади. «Дўстлик» насос станциясига ўрнатилган агрегатлар кўп йиллардан буён ишлатилмоқда. Уларнинг хизмат муддати ўтиб кетган, янги станция ишида эса узилишлар бўлмоқда. Шунга қарамай, ёзнинг энг иссиқ кунларида ҳам далаларга етарли миқдорда сув чиқариб берилди.

Бухоро вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга қараганда, деҳқон ва гидротехниклар саратон синовидан муваффақиятли ўтдилар. Дон тайёрлаш топшириғи бажарилгани шундан далолат беради. Ҳозир далаларда мўл пахта ҳосили етиштириш учун қизғин кураш кетмоқда.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ТЎКИС БАХТ СОҲИБАСИ

Ярим аср театр саҳнасидан тушмай, роль ижро этиш учун қанча куч, маҳорат керак! Томошабин назаридан қолмай ҳурмат ва олқишларга кўмилиб яшаш учун-чи?

Уруш даврлари эди ўшанда. «Нурхон» спектаклининг репетицияси бўлаётганди. Тумонат одам йиғилган. Нурхон ролини ижро этаётган актриса адашиб кетаверди. Қайта-қайта такрорлашди ҳам, ҳеч чиқмади. Режиссёр йиғилганларга қараб, «наҳотки шунча одамнинг ичида Нурхонни ўйнайдиган қиз топилмаса», деди.

— Мен ўйнайман. — У кейинчалик эл оғзига тушиб, қатор унвонларга сазовор бўлган Муҳтарама Носирова эди.

Маънавият

— Демак, биринчи ижро этган ролингиз Нурхон экан-да, сўрадик аядан.

— Йўқ. Театр саҳнасидаги илк образим Зиннат Фатхуллиннинг «Ғунчалар» спектаклидаги Нигора роли. Ўшанда 15 ёшда эдим.

— 25 ёшингизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олган экансиз. Кейин Ўзбекистон халқ артисти... Маълумотингиз...

— 8-синфни тугатганман. Мен учун институт театр ва томошабин бўлди. Ана шу икки саҳнада тарбияландим, маҳоратимни оширдим. Аммо санъатни, театрни жону дилим билан севардим. Санъаткор — халқнинг хизматкори, уни халқнинг ўзи баҳолайди. Истеъдод бўлмаса, юрак ёнмаса, бу соҳада эътибор қозонолмайсиз.

— Сизга салбий роллар беришмаганми ёки ўзингиз хоҳламаганмисиз?

— Тўғрисини айтайми? Униси табиатимга тўғри келмайди. Аммо таетрда «қайси ролни берай» деб, сураб ўтиришмайди. Режиссернинг ўзи танлайди. А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» асаридаги Нетайхон образини менга «ўйнайсан» дейишганда, йиғлаганман, «ўйнолмайман» деб. Лекин, режиссёр «унвонли актрисасан, ҳар хил ролни ўйнашинг шарт», деб туриб олгач, мажбур бўлганман.

— Айтишларича, сиз Нурхон, Жамила, Ширин, Холисхон, хуллас, қайсики ролда чиқманг, ўзингиз ҳам йиғлаб, залдагиларни ҳам йиғлатар экансиз. Юрагида дард бўлмаган кишининг кўзига ёш ҳадеганда келавермайди...

— Тўғри, юрагида дарди бор одам йиғлайди. Мен саҳнага чиққанимда ўзимни унутардим. Мен бошқа бировнинг «мен»ига айланардим. Йиғлаётганимни ҳатто ўзим ҳам сезмасдим.

— Партнерингиз ким бўлган?

— Раҳматли турмуш ўртоғим — Мажид Маматов. Жуда истеъдодли актёр, ажойиб овоз соҳиби эди. У киши қўшиқ айтганда, театр зали торлик қиларди. «Ошиқ Ғариб» спектаклидаги «Ғарибингман» қўшиғини ижро этганида бутун зал қалқиб кетарди. Ҳозир ҳам радиода аҳён-аҳёнда қўйишади.

— Уруш даврида одамлар оч, юпун бўлсалар-да, сўнгги пулларини сарфлаб театрга кирар эдилар, дедингиз. Ҳозир одамларнинг театрга оз боришларининг сабаби нимада?

— Ҳа, одамлар шунчалик театрга интилишганки, ҳатто чипта топилмасди. Уруш, мусибатлар юрагини эзиб юборган халқ бироз бўлса-да, ғамларини унутиш учун бу даргоҳга келарди. Кўнгиллари ёришиб кетарди. Ҳозир, билмадим, балки қўйилаётган баъзи асарлар ҳаёт ҳақиқатидан узоқроқмикан...

— Театрни, саҳнани кўнглингиз тусайдими?

— Жуда. Театр, саҳна менинг ҳаётим. Соғинганимда бориб тураман. Хуморим тарқалгунча ўтираман.

— Агар рози бўлсангиз, мавзуни сал ўзгартирсак. Тўкис бахт ҳақида фикрингиз?

— Аслида аёл — она фарзандлари, оиласи билан тўкис. Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарида она образини ўйнаган эдим. Ўзимга энг ёққан образим. Она учун фарзандлар азиз нарса бормикан-а. Худога шукр, 4 ўғилнинг онасиман. Уларни уйли-жойли қилибман ҳамки, кўнглим тинчимайди. Бирортаси кўринмай қолса, юрагимни ҳовучлаб ўтираман.

— Яна нималар ҳақида ёзишимизни хоҳлардингиз?

— Муҳтарам ая бекорга яшамайди, деб ёзинглар. Театрни жон-дилидан севган бу аёл бир умр халққа хизмат қилиб, бахт топди, денглар. Яна менинг тилакларим шуки, илоҳим, юртимиз тинч бўлсин. Ҳар кимнинг хонадонидан қувонч ва шодлик аримасин.

Бозор ЭРҚОРОВ,
Санобар БОЙМУРОДОВА.

БОЗОР — ЮРТ КЎРКИ

Узбекистон бозорларининг таърифига тил ожиз. Қатрада қуёш акс этгани каби бозорларимизда заминимизнинг саҳовати, меҳнаткаш халқимизнинг маҳорати, фазилати, ўлкамиздаги тўкинчилик, мўлкўлчилик акс этган. Бозоримизни маъмурчилик рамзи, фаровон ҳаётимизнинг тимсоли, десак яраша ди. Узбекистон мустақиллик йўлига тушиб олгач, бозорлар қурилишига ва қўринишига, қўркам расталар, дўконлар барпо қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда янги-янги бозорлар қурилиб, ишга туширилмоқда. Кимёгарлар, кончилар шаҳри Олмалиқ бозорлари ҳам тўкин. Шаҳар атрофида жойлашган жамоа хўжаликлари ўзлари етиштирган ноз-неъматларни бу шаҳардаги бозорга келтириб сотишади. Шаҳар маъмурияти аҳолининг талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳар бир турар жой мавзеларида ихчам кичик бозорлар ташкил этмоқда. Шундай бозорлардан бири Ойдин турар жой даҳасида ишга туширилди. Республика мустақиллигининг олти йиллиги нишонланадиган қутлуғ кун арафасида 700 ўринли яна бир бозор қуриб, фойдаланишга топширилади. Бозорлардаги серобгарчиликдан шаҳарликлар ҳам, шаҳар атрофидаги деҳқони соҳибкорлар бирдек хурсанд.

Б. ҚАҲҲОРОВ.

Суратларда: 1. Ойдин турар-жой даҳасида ишга туширилган янги бозорда тарвуз савдоси қизғин. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси, пенсионер Норйигит Қўчқоров умр йўлдоши Ўғилой опа билан 50 сотих ерда ширин-шакар тарвуз етиштирдилар. Улар келтириб туширган тарвузларнинг бозори чаққон. 2. «Пискент» жамоа хўжалиги аъзоси Абдулла Муллажонов ўз боғида етиштирган узумни шаҳарлик харидорларга сотмоқда. 3. Ислиддин Хайдаров номли жамоа хўжалиги аъзоси Инобат Сафарова ўз томорқасида ўстирган кўкпиёз, укроп, кашнич ва бошқа кўкатлар олмаликликларга манзур бўлмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сўратлар.

Бу турфа олам

ИСКОВУЧ РОБОТ

Американинг Тафта университети олимлари ғаройиб робот яратишди. Бу машинанинг бошқа роботлардан фарқи шундаки, у ҳид билишда «мана мен» деган исковуч итларни ҳам доғда қолдиради.

Илм-фан тарихида шу вақтгача «кўрадиган» ва «эшитадиган» роботлар ишлаб чиқарилар, аммо ҳид биладиганини яратишга ҳеч ким уриниб кўрмаган эди. Тафта университети профессори Дэвид Уолтнинг айтишича, роботнинг ҳид сезадиган ускунаси ҳар қандай шароитда 40 турдаги ҳидни аниқлаб бера олади.

Айни пайтда мазкур роботдан халқ хўжалигининг турли соҳалари билан бирга, ҳарбий саноатда ҳам фойдаланиш режалаштирилмоқда.

ЭНГ ИШОНЧЛИ ДОРИ

Кариес деб номланган тиш касаллиги учун энг яхши даво асосий кундалик таомимиз бўлган оддий нон экан. Ҳар ҳолда италиялик шифокорлар кўп йиллик изланишлардан сўнг шундай хулосага келди.

Уларнинг таъкидлашича, нон чайналганда ундан ҳосил бўлган сирка туфайли оғиз бўшлиғидаги бактериялар «заҳарланиб» ўлади ва тишни кариесдан ҳимояловчи қобиқ кучайиб бораверади.

(ЎзА).

ТАДБИРКОР НИҚОБИДАГИ ФИРИБГАР

Фельетон

Истиқлол туфайли мамлакатимизда тадбиркор кишиларнинг хусусий мулкчилик асосида фаолият юритишларига кенг йўл очилди. Шу аснода халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, халқаро миқёсда тижорат билан шуғулланувчи фирмалар, деҳқон-фермер хўжаликлари шакилланди. Уларнинг кўпчилиги самарали фаолият юритишмоқда.

Бахтга қарши шоли курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида ҳам фақат ўз манфаатини ўйлаган, пулга ружу қўйган ва бунга эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Катта қўрғон шаҳридаги «Товус» савдо ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари Акрам Қиличев ана шундайлар тоифасидан бўлиб чиқди.

Қингир йўллар билан мумай пул топишнинг хаддисини олган Акрам қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, шартномалар тузиш, қўйингки йўқдан бор қилиш сирсиноатини пухта ўзлаштириб борди. Кўп ўтмаёқ устаси фаранга айланди. Фирма фаолиятини иқтисодий таҳлил этадиган идоралар раҳбарларининг бепарволиги, баъзида эса унга ҳамтоқлик қилишлари учарга қўл келди. Ўйлаб қараса мушугини пишт дейдиган йўқ. Омад келганда ҳаракат қилиб қолиш керак-да... У ширин ҳаёллар оғушида маст эди.

1996 йил октябрь ойида у фирибгарлик йўли билан фуқаро Ф. Сатторовнинг паспорт ва бошқа ҳужжатларини қўлга киритди. Ўзича паспорт соҳиби билан икки томонлама шартнома тайёрлади. Шу қалбаки ҳужжатга мувофиқ гўё фуқаро Ф. Сатторов «Товус» савдо ишлаб чиқариш фирмасига 2667 килограмм картошкани 40 минг сўмга «сотади». «Операция»нинг силлиққина амалга ошишига Каттақўрғон халқ банкининг шохобчаси назоратчиси Гулчеҳра Алиева ҳомийлик қилди. Кўп ўтмай халқ банкида Ф. Сатторов номига ҳисоб рақами очилди. Юқоридаги сохта ҳужжат асосида банкдаги мазкур ҳисоб рақамига «Товус» фирмасидан 39 минг сўм пул кўчирилди. Албатта Ф. Сатторовнинг имзоси сохталаштирилиб, тўлов ҳужжатлари тайёрланди. Қингир ишга мазкур банк ходимлари Шаҳзода Ширинбоева ва Анора Шодиевалар ҳам бош қўшдилар. Хуллас, Г. Алиеванинг «жонкуяр»лиги билан шунча маблағ нақд пулга айлантирилди ва банк ходимларининг улушидан ташқариси мўмайгина бўлиб А. Қиличевнинг чўнтагига тушди.

Дастлабки овнинг муваффақиятидан руҳланган фирма раҳбари ғалдаги ўлжанинг пайига тушди. Фирибгар «Тадбиркор» банкининг Каттақўрғон шаҳар бўлими бошқарувчиси А. Улуғмуродовнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди. Шўрлик рози бўлганини ҳам билмай қолди. Сир фош бўлиб қолмаслиги ҳамда ҳаммасини бошдан пухта ташкил этиш учун харом ишга банк ҳисобчиси М. Ёрқулова ҳам жалб этилди. Бу сафар Фотима Сатторова деган фуқаронинг паспаорти ўғирланиб, унинг рақамлари керакли ҳужжатларга тиркалди. Қалбаки шартномага мувофиқ «Товус» фирмасига фуқаро Ф. Сатторова томонидан 22.500 килограмм пиёз «сотилди». Бир килоси 4 сўмдан белгиланди. Шунингдек, 4400 килограмм қунжут ҳам шу тарика фирибгарона ҳужжатлаштирилди. Пировард натижада «Товус» фирмаси фуқаро Ф. Сатторованинг «Тадбиркор» банкдаги ҳисоб рақамига пиёз учун 90 минг, қунжут учун 110 минг сўм ўтказди. 200 минг сўм ҳамтовоқлар ўртасида арра қилинди.

Акрам Қиличевнинг димоғи чоғ эди. Омаднинг кулиб боқиши шунчаликда! Хашпаш дегунча қўйни-қунжи пулга тўлди. Нафс деган бир бало экан. У Қиличевни тамоман домига тортди. Хурмача қилиқларини давом эттиришга ундади. Акрам тадбиркор ҳам анойилардан эмас. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек бўлаяпти-ку, жим турармиди?!

1996 йилнинг декабрида фирибгар «Зарафшан» ҳиссадорлик жамияти билан 450 декалитр арақ олди-сотдисига шартнома тузди. 18 декабрь куни ишонч қоғози билан 694.621 сўмлик спиртли ичимликни олиб чиқиб кетди. Бироқ шиша идиш учун тўланадиган пул насия бўлиб қолди. Шу ерда тадбиркор нафси яна хакалак отди. Олинган маҳсулотни фирмага кирим қилмай, сотувдан тушган пулни тўласинча ўзлаштириб юборди.

Ошиғи олчи бўлаётган олғир Қиличев ўзига хизмат қилаётган банкдан 400 минг сўм кредит ҳам олишга эришди. Шу маблағнинг бир қисмига юқорида қайд этилан жамиятдан ароқ сотиб олди. Бироқ бу «операция» фирманинг на бухгалтерия кирим дафтарида, на ҳисоботларида ўз аксини топди. Табиийки, олинган маҳсулот устама нарх билан сотилади. Лекин ҳужжатларда расмий ифодасини топмаганлиги боис даромад солиғи тўланмаган.

Қингир ишга қўл урган нафс бандаси қачондир албатта тумшуғидан илинади. Қиличевни ҳам шундай қисмат кутарди. Фирмани тафтишчилар босди. Жами 870.460 сўмлик даромад яшириб келинаётганлиги маълум бўлди.

Фирибгарнинг хурмача қилиқлари фош этилиб, устидан жиноий иш қўзғатилгандан сўнг уйи тинтув қилинганда автомат қуроли топилди. Таъкидлашича, бу қуролни 8 дона ўқ дориси билан Оқдарё туманидаги Саёҳат қўрғонида яшовчи С. Васильев деган шахсдан 120 минг сўмга сотиб олган экан. Энди тўла тузоққа тушган Қиличев битта қирқма ов милтиғи ва газ тўппончасини ўз ихтиёри билан прокуратурага топширди...

Зафар ШАМСИЕВ,
Каттақўрғон шаҳри прокурори,
адлия маслаҳатчиси.
Хайрулла ҲАМРОЕВ,
журналист.

ДРОПП УЛЬТРА — САМАРАЛИ ДЕФОЛИАЦИЯ ВОСИТАСИ

Дропп Ультра препарати ҳаво ҳарорати нисбатан паст шароитда ҳам қўлланилиши мумкин бўлган, ғўза шохларини қуйдириб-қуруқшатиб юбормасдан, баргларини яшил ҳолатда тўкишга мўлжалланган, ҳосидорликка путур етказмайдиган ҳамда пахтанинг тоза терилишини таъминлашга хизмат қилувчи энг замонавий дефолиантдир.

Пайкаллар суғорилганига ҳали кўп вақт бўлмаган, қатор ораларида намлик сақланиб турган пайтда, ҳар бир ғўза тупида 3-6 та кўрак очилганда дефолиация қилиш яхши натижа беради.

Ўзбекистонда қабул қилинган мезон бўйича Дропп Ультра дефолиантидан ўрта толали пахта навлари учун гектарига 0,6-0,8 литр, ингича толалиларга эса 0,5-0,7 литр сарфлаш мақсадга мувофиқ.

Қўшимча маълумотлар юзасидан Германиядаги «АгрЭво» фирмасининг Ўзбекистон ваколатхонасига мурожаат этинг.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Юлиус Фучик кўчаси, 7-уй, 56-квартира. Тел: 1-33-35-25. Факс: 30-20-31.

«УМИД» БИРИНЧИ

Улуғбек номидаги республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси қошида ташкил этилган «Умид» болалар фольклор-рақс ансамбли жамоаси тайёрлаган «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланган дастури республикамиз вилоятлари рақс санъати ихлосмандларига ғоят манзур бўлган эди.

Яқинда Туркиянинг Истанбул шаҳридан хушхабар келди. Албания, Кипр, Польша, Руминия, Туркия, Ўзбекистон ва қозогистонлик ёш санъаткорлар иштирок этган биринчи халқаро болалар фестивалида «Умид» ансамбли фахрли биринчи ўринни эгаллади.

(ЎзА).

ШАХМАТ

ЖАҲОН МИҚЁСИДА

Бир неча йил олдин жаҳон шахмат олимпиадасида вакилларимиз қатор кучли жамоаларни ортда қолдириб, кумуш медалларни қўлга киритишганида бу баъзи бировлар учун тасодифий муваффақиятдек кўринган эди. Тўғри, бу ёркин қатнашувдан сўнг кейинги жаҳон олимпиадаларида шахматчиларимизнинг ғунчалик омади юришмади. Лекин қатор мусобақалар давомида ўзбекистонлик шахматчилар бу қўҳна ўйин мамлакатимизда катта истиқболга эга эканини амалда намойиш этишмоқда.

Индонезияда поёнига етган шаҳарлар ўртасидаги илк жаҳон биринчилигида ҳам пойтхтимиз шарафини ҳимоя қилган шатранж усталари жиддий ютуққа эришдилар. Сафида қўплаб таниқли шахматчилар иштирок этган ўттиз шаҳар командалари билан баҳсда А. Ненашев, С. Йўлдошев, М. Салтаев, С. Загребельний ва Д. Қаюмов моҳирлик билан дона суришди. Бу бежиз эмас. Зеро, ўтган йили вакилларимиз Осиё қитъасидаги шаҳарлар ўртасида биринчи ўринни эгаллашганди.

Дастлабки олти тур давомида тоби қочганлиги боис А. Ненашевнинг иштирок этолмаганлиги маълум даражада таъсир кўрсатди. «Акс ҳолда иккинчи ўринга кўтарилишимиз ҳеч гап эмасди», — дейди ҳам мураббийлик қилган, ҳам дона сурган Д. Қаюмов.

Ҳақиқатан ҳам, вакилларимиз пировард-натижада қолибликни қўлга киритган донецклик шахматчилар билан 2:2 ҳисобида дурангта эришган бўлсалар, иккинчи поғонани банд этган москваликларга бир очко фарқ билангина бой беришди — 1,5 — 2,5.

Нима бўлганда ҳам, жаҳон миқёсида учинчи ўринни эгаллаш сўзсиз ютуқдир. Шахматчиларимизни ушбу муваффақият билан биринчи бўлиб табриклаган «Ўзбекистон ҳаво йўллари»миллий авиакомпанияси бош директори, Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси А. Рузметов қўҳна ўйинни янада ривожлантириш юзасидан қурилаётган чора-тадбирлар хусусида гапирди. Агар жойларда ҳам истеъдодли ёшларни топиб уларнинг малакасини орттиришга эътибор кучайтирилса, ўзбек шахматчилари пешқадамлар сафидан муқим мавқе эгаллашлари турган гап.

Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.

Хотин-қизлар спартакиадаси

САРАЛАШ БОСҚИЧИ

Республика хотин-қизларининг Косонсойда ўтадиган навбатдаги спартакиадасига тайёргарлик жойларда тобора қизғин тус олмоқда. Чунончи, Бухоро вилоятидан финал босқичда қатнашишга талабгор жамоалар Бухоро туманига тўпланишди. Вилоятнинг ўнта туманидан келган 250 дан кўпроқ иштирокчи спортнинг етти турида ўз кучларини синаб кўришди.

Пировард-натижада мезбонлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Пешкуликлар иккинчи, Қоракул тумани вакиллари учинчи бўлишди.

Қўшни Навоий вилоятида ҳам шундай саралаш баҳслари утказилди. Қатнашчилар Қизилтепа туманига тўпланишди. Мусобақаларда саккиз жамоа голиблик учун кураш олиб борди. Бу ерда омад конимехликларга кулиб боқди. Иккинчи ўрин хатирчиликларга насиб этган бўлса, навбаҳорликлар учинчи ўринни банд қилишди.

Сурхондарё вилояти қишлоқ хотин-қизлари Денов туманида куч синашди. Мезбонлар волейбол, шахмат ва шашка мусобақаларида зафар қучиб, умумий ҳисобда голибликни таъминлашди. Енгил атлетика баҳсларида ўзларини кўрсатган узунликлар иккинчи ўринни эгаллашди. Катта теннисда Термиз тумани вакилларига тенг рақиб топилмаган бўлса, шерободликлар стол теннисида пешқадамлик қилишди.

Умуман таъкидлаш жоизки, аксарият вилоятларда саралаш босқичи мусобақалари уюшқоқлик билан утказилди. Энди Косонсойда утадиган финал баҳсларига тайёргарлик қизғин паллага кирмоқда.

Ш. АЛЛАМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Тадбиркорлар, қишлоқ хўжалик ходимлари эътиборига

«БОЛГАРИЯ» ЖАМИЯТИ

мамлакатимиз ишбилармонларини, деҳқонларини ва тижорат ишлари билан шуғулланувчи барча кишиларни ҳамкорликда ишлашга таклиф этиб,

ОМСК ШАҲРИДАГИ «ОМСКИЙ ПРИВОЗ» ЯРМАРКА МАЖМУИДА

сервис хизмати кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилади.

Масъулияти чекланган ана шу ширкат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — сабзавот, турли-туман меваларни улгуржи чакана савдо ярмаркасида сотиш учун олиб келувчи ишбилармонларни бозхона яқинида кутиб олиш, жой билан таъминлаш, молларнинг сақланишини кафолатлаш ва бошқа хизматларни кўрсатади.

Жамият хизматларидан фойдалансангиз, тижорат ишларида муваффақиятга эришасиз.

Маълумот учун телефонлар: Тошкентда: 63-65-69; Омскда: (8-3812) 33-01-86, 33-41-47, 31-53-98.

«Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси жамоаси энергетика бўлимининг бош мутахассиси Шукур Ғуломовга онаси **Халима МУСАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0510, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

Шарқ нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.